

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.FII .76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ГУЛНОЗАХОН ЗАХИРОВНА

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ
(ИНГЛИЗ ТИЛИ ТОПОНИМИК ЛУҒАТЛАР МИСОЛИДА)

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган - 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Ганиева Гулнозахон Захировна

Инглиз тилидаги топонимлар ва уларнинг лексикографик талқини (инглиз тили
топонимик лугатлар мисолида)3

Ganieva Gulnozakhon Zakhirovna

Toponyms of the English language and their interpretation (on the example of
English toponymic dictionaries).....29

Ганиева Гулнозахон Захировна

Топонимы английского языка и их лексикографическое толкование (на
материале словарей топонимов английского языка)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ГУЛНОЗАХОН ЗАХИРОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ
(ИНГЛИЗ ТИЛИ ТОПОНИМИК ЛУҒАТЛАР МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари
тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация **Жиззах** давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган давлат университети веб-саҳифасининг www.namdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Зоҳид Яқубович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Улуков Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:


Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" апрель соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй; Тел.: 0 (369) 227 01 44); факс: 0 (369) 227 04 45; e-mail: info@namdu.uz.

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (382 рақам билан рўйхатга олинган), Манзил: Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй; Тел.: 0 (369) 227 01 44

Диссертация автореферати 2022 йил "06" "апрель" кuni тарқатилди.
(2022 йил "06" "апрель" даги 3- рақамли реестр баённомаси).


А.Н.Зиёев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


О.О.Дадабоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Қ.А.Содиқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қотибдаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент



Қ. А. Содиқов

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тилшунослигида ономастикага, хусусан, топонимикага бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бориши ушбу соҳанинг ҳозирги кунда ўта муҳим йўналишлардан бирига айланиб бораётганлигидан, жумладан, топонимларнинг лингвокогнитив, лингвокультурологик, психоллингвистик ҳамда социоллингвистик жиҳатлари изчил ўрганилаётганидан далолат беради. Бу борада топонимларнинг лексикографик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилиб, топонимик лугатларга бўлган эҳтиёж туфайли соҳа лугатларини яратиш, мавжудларини қайта таҳрирлаш масалалари устида жиддий иш олиб бориш амалий аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида турли тиллар топонимларининг хусусиятларини очиб беришда илмий-назарий фикрлар илгари сурилиши, хусусан, инглиз тили топонимик лугатларининг яратилиши, уларнинг таҳлили билан боғлиқ фикрларнинг пайдо бўлиши, ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги, маданий мероси, тарихи, бугуни ва яшаш тарзидан далолат берувчи муҳим манба ҳисобланган жой номларининг топонимик лугатлардан жой олиши топонимия доирасида янги йўналишларни вужудга келтирмоқда. Натижанда жой номларининг келиб чиқиши, этимологияси, уларнинг концептуал ва семантик жиҳатларини ўрганишга доир илмий ва назарий қарашлар такомиллашуви кузатилди.

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар топонимика соҳасининг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Жой номларининг замонавий ёндашувлар асосида тадқиқ қилинаётгани ўзбек топонимикасини янада чуқур ўрганишга замин яратмоқда. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, "...ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак"¹. Бу вазифани бажаришда нафақат ўзбек тили топонимлари, балки дунё тиллари жой номлари, хусусан, инглиз тили топонимларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирга қадар тилшуносликда жой номлари бўйича фундаментал тадқиқотлар яратилган бўлса-да, инглиз тили топонимларининг инглиз тили топонимик лугатларидаги лексикографик хусусиятлари тўлиқ ёритилмаган бўлиб, бу тил илмидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида"ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли / Ўзбек тилига давлат тили мақоми беришганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанавали маросимдаги нутқи // "Халқ сўзи"газетаси, 2019 й., 22 октябрь, №218(7448)

сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва яна бир қатор меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Топонимлар луғавий категория сифатида тилшуносликдаги долзарб масалалардан бири бўлиб, мазкур категория билан боғлиқ ёки антропонимлар каби унга уйқаш бўлган қатор бошқа “оним”лар (вахоланки, улар ҳам “номлар” билан иш кўрмай иложи йўқ) ҳам борки, уларнинг лисоний мақоми, тавсифи ва таснифи ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида топонимика соҳасида кейинги йилларда бир қанча тадқиқотлар бажарилиб, жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Топонимларни илмий тадқиқ этишда инглиз олимларидан Кеннет Камерон, Дэвид А. Милс, Уиллям Эдисон, Александр Уиллям, Томас Байн, Бери Кокс, Ален Мор, Маргарет Геллинг, Иквол Эйлерт, америкалик топонимист олимлардан Жорж Р. Стюарт, Алф Дрей, Драмонд Питер Жон, София Ивмалм, Алиг Пидар Морганларнинг ҳиссаси катта¹.

¹Kenneth C. The significance of English place names. // *British Academy*, 1977. –P. 135-155.; Cameron K. (ed.) *Place-name evidence for the Anglo-Saxon invasion and Scandinavian settlements: eight studies*. – Nottingham: EPNS, 1975. – 171 p.; Cameron K. *English Place-Names*. – London: Batsford, 1996; Cameron K. *The Place-Names of Lincolnshire*. Vol. 71. – Nottingham, 1996. – 229 p.; Mills A.D. *The place-names of the Isle of Wight*. – Stamford: Paul Watkins, 1999. – 126 p.; Mills A. D. *A dictionary of English place names*. – New York: Oxford University Press. – 1991. – 421 p.; Addison William. *Understanding English Place-names*. – London, 1978. – 159 p.; William McCombie Alexander *The Place-names of Aberdeenshire*, Third Spalding Club, 18, 1952. – 419 p.; Bayne Thomas. *Dunblane & District Place Names (Stirling)*. –1928. – 308 p.; Cox B. *English Inn And Tavern Names*. – Nottingham: EPNS, 1994. – 116 p.; Cox B. *Place-names of Leicestershire*. Pt. 5. – Nottingham: EPNS, 2011. – 760 p.; Gelling M. *Kenneth Cameron 1922–2001 // Biographical Memoirs of Fellows*, 1. – London: Oxford Univ. Press, 2002. – P.103-116 (*Proceedings of the British Academy*. Vol. 115); Gelling M. *English Place-Name Studies: Some Reflections // JEPNS*, 2002–2003.–№ 5.–P. 5-16; Ekwall E. *Studies on English Place-names*. – Stockholm: Wahlström and Widstrand, 1936. – 221 p.; Ekwall E. *English River-Names*. – Oxford: Clarendon, 1968. – 488 p.; Ekwall E. *The Concise Oxford Dictionary of English Place-names*. 4th ed. – Oxford: OUP, 1974. – 531 p.; George R. Stewart, *American Place-Names: A Concise and Selective Dictionary for the Continental United States of America*. – New York: Oxford University Press, 1970. – 560 p.; Dray A. *Rhyming Dictionary of Usa: Place Names*. – Lulu Press, Inc, 2016. – 466 p.; Drummond P. *Place-name losses and changes – a study in Peeblesshire: a comparative study of hill-names and other toponyms // Nomina*, 2009. – Vol. 32. – P. 5-17; Drummond P. *Scottish Hill Names: Their origin and meaning*. – Glasgow: Scottish Mountaineering Trust, 2010. – 214 p.; Drummond P.J. *An Analysis of toponyms and toponymic patterns in eight parishes of Kelvin basin: PhD Thesis*. – 2014. – 431 p.; Evemalm, Sofia. *Theory and practice in the coining and transmission of place-names: A study of the Norse and Gaelic anthroponyms of Lewis: PhD thesis*. – 2017. – 395 p.; Mawer A. *The Chief Elements used in English Place-Names. Being the Second Part of the Introduction to the Survey of English Place-Names // Vol. I (2)*.

Немис олимларидан Й.Л.Лейднер, В.Ф.Николайзи, Б.Хеллеландлар; Козогистонда Ж.Канкашбоев, Т.Жанузоков, Е.Қойшыбаев, Қ.Рисбергенова, Ж.Бектуровалар; Туркменистонда М.Гельдыханов, С.Атаниёзовлар; Киргизистонда К.Конқабает, Д.Исаевларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга¹.

Рус олимларидан В.А.Никонов, А.В.Суперанская, В.Н.Топоров, Г.Д.Томахин каби олимларнинг топонимика соҳасида олиб борган ишлари эътиборга молик².

Ўзбек топонимист олимларидан Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, С.Қорасев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Н.Охунов, С.Бўриев, Ж.Латилов, Т.Эназаров, С.Найимов, Т.Раҳматов, Н.Улуков, Ю.Неъматова, Г.Жўрабоева, Ю.Ахмадалиев, Ш.Темиров, О.Бегимов³ ва бошқа бир қатор олимларнинг номини қайд этиш мумкин.

Cambridge: CUP, 1924. – P. 585-587. ; Mawer A. A survey of the place-names of Wales // History: The journal of the historical Association. Vol. 7, Issue 25. – UEA, 1922. – P/33-35; Morgan A.P. Ethnonyms in the Place-names of Scotland and the Border Counties of England. PhD Thesis. – Nottingham, 2011. – 366 p.

¹Nicolaisen W.F.H. Die Alteuropäischen Gewässernamen der Britischen Hauptinsel // Beiträge zur Namenforschung. – 1957, Vol. 8. – P. 209–268; Nicolaisen W.F.H., Gelling M., Richards M. The names of towns and cities in Britain. – London: Batsford, 1970. – 215 p.; Helleland B. Place names and identities. Names and Identities, Oslo Studies in Language 4(2). – 2012. – 95-116; Jochen Lothar Leidner. Toponym Resolution in Text, Annotation, Evaluation and Applications of Spatial Grounding of Place Names (University of Edinburgh). – Scotland, 2007. – 287 p.; Канкашбаев Г.К. Словарь казахских географических названий – Алма-Ата, 1963. – 185 с.; Жанузаков Т. Очерк казахской ономастики. – Алма-Ата: Наука, 1982. – 176 с.; Қойшыбаев Е. Қазақстанның жерсу аттарыөздігі. – Алматы: Мектеп, 1986. – 156 с.; Рысбергенова К. Историко-лингвистическое исследование топонимов Южного Казахстана. – Алматы: Ғылым, 2000. – 152 с.; Бектурова Ж. Ландшафтные наименования русского и казахского языков: лингвокультурологический аспект. – Павлодар: Изд-во ПГУ им. С.Торайгырова, 2003. – 162 с.; Атаньязов С.Туркменистанның географик атларының дүшиндиришлик сөзлүги. – Ашгабат: Ылым, 1980. – 364 с.; Гельдыханов М. Географические термины Туркменистана / М. Гельдыханов // Вопросы географии. Москва, 1970 – Сб. 81. – С. 202-204.; Конқобает К.Топонимия Южной Киргизия. – Фрунзе: Илим, 1980; Исаев Д. Жер-су аттарының сыры. – Фрунзе: 1977. – 172 с.;

²Никонов В.А. Введение в топонимику. – Москва: ЛКИ, 2011. – 184. с.; Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва: Наука, 1971. – 82 с. Суперанская А.В. Что такое топонимика? Из истории географических названий. Отв.ред. Г.В.Степанов. Изд. 2-е – Москва: Либраком, 2014. – 178 с.; Топоров В.Н. Из области теоретической топониматики // Вопросы языкознания. – Москва, 1962. – № 6. – С. 3.; Топоров В.Н. О палийской топониматике // Топонимика Востока. Исследования и материалы. – Москва, 1969. – С. 33-34; Томахин Г.Д. Америка через американизмы (О происхождении и значении топонимов США). – Москва: Высшая школа, 1982. – 256 с.;

³Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси. – Тошкент: Фан, 1962. – 136 б.; Ҳасанов Ҳ. Ер тили. – Тошкент, Ўқитувчи, 1977. – 102 б.; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Тошкент, Ўзбекистон, 1985. – 120 б.; Ҳасанов Ҳ. Сайёх олимлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 262 б.; Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сибсати // ЎТА, 1997. – № 3. – 3-9 б.; Бегматов Э. Жой номлари – маънавий кўзгуси. – Тошкент: Маънавий, 1998. – 64 б.; Бегматов Э., Жумасев А., Сатторов Г. Ўзбек ономастик терминологияси ва унинг нормалаштириш проблемалари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг таракқиёт перспективалари. – Тошкент: Фан, 1986. – 8-10 б.; Qorauev S. Toponimika. – Tashkent, 2006; Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик аналити. – Тошкент, 1985. – 84 б. Нафасов Т. Қишлоқнингиз нега шуздай аталган? – Тошкент: Фан, 1989. – 100 б.; Дўсимов З. Топонимы Северного Хорезма. – Ташкент, 1970. – 24 с.; Дўсимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма. – Ташкент, 1986. – 48 с.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Охунов Н. Фарғона vodiysi этноойконимлари // ЎТА, 2000. – № 1. – Б.20-23. Бўриев С.Н. Урган тумани микротопонимларининг лексик-семантик тахлили. – Тошкент, 2010, 23 бет.; Латилов Ж. Топонимларнинг ясаллиши // ЎТА. – Тошкент: Фан, 1974. – № 2. – 84-85 б.; Латилов Ж. Марғилон шахри ва унинг атрофи топонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1975. – 26 б. Латилов Ж. Марғилон шахри ва унинг атрофи топонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1975. – 219 б. Эназаров Т.Ж. Шахрисабз худуди жой номларининг тарихий-киёсий тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 24 б.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: лугавий асослари ва этимология тадқиқи йўллари. – Тошкент, 2010. – 56 б.; Раҳматов Т. Этимология топонима Самарканд // СТ., 1973. – № 4.

Санаб ўтилган илмий адабиётлар жой номлари тадқиқи борасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таъкидлаш жоизки, мавжуд изланишларда топонимларга анъанавий ёндашилган, уларда асосий эътибор топонимларнинг этимологик хусусиятларига, тарихий-киёсий, лисоний-тадқиқий ва структурал-семантик жиҳатларига қаратилган, инглиз тили топонимларининг инглиз тили топонимик луғатлари мисолидаги лексикографик талқини масаласи ўрганилмаган. Бу эса мавзунинг долзарблигини касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Жиззах давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади топонимик луғатларнинг амалий аҳамиятини очиб бериш билан бирга инглиз тили топонимик луғатлари мисолида инглиз тили топонимларини лексикографик талқин қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

топонимлар борасидаги турли назарий фикрларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

инглиз тили топонимларининг лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатларини далиллаш;

танлаб олинган асосий топонимик луғатларнинг лексикографик хусусиятларини очиб бериш;

топонимларни луғатларга танлаш, жойлаштириш ва уларнинг луғатларда изоҳланиш тамойилларини тадқиқ этиш, аниқ манбалар асосида кўрсатиб бериш;

топонимик луғатларда берилган топонимик бирликларнинг грамматик, стилистик хусусиятларини аниқлаш ҳамда мазкур луғатларнинг полиграфик тавсифини очиб бериш;

ўқув топонимик луғати тузиш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти қилиб “Британия жой номлари луғати” (A dictionary of British Place names) ва “Америка жой номлари: минтақавий Америка

– С. 43-50; Найимов С.Н. Бухоро области топонимияси. –Т., 1984. – 24 б.; Найимов С.Н. Ойконимы Бухарской области: автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1984. – 20 с.; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи // – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.; Нетьматова Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. – Фарғона, 2018. – 147 б. Жўрабоева Г. Фарғона водийси топонимларининг қиёсий-тарихий ва антропоцентриқ тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2021. – 57 б.; Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – 140 б.; Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах: “Санъдор” нашриёти, 2014. – 204 б.; Hakimov Q. Toponimika. “Geografiya o’qitish metodikasi” ta’lim yo’nalishi talabalari uchun darslik / Qo’chqor Hakimov; – Toshkent: MUMTOZ SO’Z, 2016. – 368 б.; Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 51 б.; Бегимов О. Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. – Самарқанд, 2021. – 68 б.

Кўшма Штатлари учун киска ва танланган луғат” (American Place names A concise and selective dictionary for the continental United States of America) олинган.

Тадқиқотнинг предмети танлаб олинган топонимик луғат манбалари асосида инглиз тили топонимларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлилий-синтетик, киёсий-таккослаш, лингвостатистик, лексикографик, лингвокультурологик ва лингвокогнитив таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилар билан белгиланади:

инглиз тили топонимларининг “жой концептуал семантикаси” билан боғлиқ худуд, киши номлари, хайвонлар, кушлар, ўсимликлар каби маъноларни англатувчи лингвокогнитив ҳамда маданият компонентларининг “лингвотопокультуремалар” каби лингвомаданий асослари аниқланиб, “топонимик концептуал семантика”нинг вербаллашуви “перспектив”, “аффектив”, “бебахо”, “апроприатив” ва “локатив” қатламлар орқали очиб берилган;

Буюк Британия худудига тааллуқли бўлган, ҳозирда АКШда ҳам мавжуд бўлган, АКШ худудида пайдо бўлган ва ҳозирда Буюк Британия худудида ҳам мавжуд бўлган Aberdeen, Bangor, Birmingham, Anglesey, Cumberland, Dover, Durham, New England, Lincoln(shire) каби топонимларнинг ҳар иккала луғатда ҳам қайд этилганлиги далилланган, шунингдек, иккала луғатда ҳам транскрипциянинг берилмаганлиги ва “See” йўналтирувчи белгисининг кўп қўлланилганлиги салбий ҳолат эканлиги исботланган;

топонимларни луғатларга танлаш, жойлаштириш ва аниқлашда анъанавий сўровнома, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар ёрдамидаги сўровнома, GoogleDocs платформасида ўтказиладиган сўровнома, СОСА ва ВНС платформалари, OpenStreetMap веб сайти кабилардан фойдаланишнинг самарадорлиги исботланган ҳамда инглиз тили топонимик бирликларининг “ўзак”, “ўзак+элемент (аффикс, постфикс)”, “ўзак+ўзак” кўринишига эга грамматик, метафорик ва метонимик каби стилистик хусусиятлари асосланган;

ўқув топонимик луғатлар яратиш бўйича луғат структурасини тузиб олиш, луғат учун мос топонимлар муҳитини кўра билиш, топонимик луғатга топонимларни танлашда узуал методдан фойдалана олиш, танланаётган топоним жойлашган худудда истикомат қиладиган ёки шу худудга ташириб буюришни мўлжаллаётганлар билан сўровнома ўтказиш каби тавсиялар шакллантирилиб, ўқув изохли топонимик луғати яратиш учун мега, макро ва микроструктураларни камраб олган намунавий чизма тақдим этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ишда нафақат топонимика, балки луғатшунослик, география, тарих ва сайёҳлик соҳаларида топонимик луғатларнинг нечоғлиқ муҳимлиги тўлақонли очиб берилган.

тадқиқотда бир тилга мансуб иккита топонимик лугатни таҳлил қилиш орқали шу каби лугатларни, хусусан, ўқув изоҳли топонимик лугатларини яратиш юзасидан амалий тавсиялар таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материаллари, топонимик лугатлар, чоп этилган рисола, мақолалар ва электрон нашр махсус сайтлардан олинганлиги ҳамда ушбу хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, лугатлар таҳлили киёсий ҳамда лингвостатистик таҳлил усуллари асосида олиб борилган натижалар тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у топонимик лугат турларини яратишда ҳамда топонимика соҳасида юзага келган янги йўналиш ва мавзуларнинг ўзига хос миллий ва маданий хусусиятларини инглиз топонимикаси билан бир қаторда инглиз тили лексикографиясида ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўрсатади, янги яратилаётган топонимик лугатларнинг хусусиятларини аниқлаш ва бошқалари билан таққослаш учун илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан тилшунослик, хусусан, лексикография, топонимика, лингвокультурология, лингвокогнитология, шунингдек, хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш ва тил ўқитиш методикаси курсларини ўқитишда ҳамда ўқув изоҳли топонимик лугатлар яратишда, инглиз тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун инглиз тили топонимикаси бўйича махсус курслар яратишда ҳамда туризм соҳасида ҳам кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тилидаги топонимлар ва уларнинг лексикографик талқини юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

инглиз тили топонимларининг лингвокогнитив ва лингвомаданий асослари ҳамда “топонимик концептуал семантика”нинг вербаллашуви ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Қорақалпоқ гуманитар фанлар институтининг 2021 йил 4 октябрдаги 271/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа илмий далиллар билан бойитилди, хусусан, қорақалпоқ тилидаги топонимларни лингвистик тадқиқот объекти сифатида ёритишда муҳим аҳамият касб этган;

инглиз тили топонимик birlikларининг “ўзак”, “ўзак+элемент(аффикс, постфикс)”, “ўзак+ўзак” кўринишига эга грамматик ҳамда метафорик ва метонимик каби стилистик хусусиятларининг очиб берилиши Истанбул университети филология факультетининг (Туркия) 45-сонли “The use of English place names in Turkic literature (Инглиз тили жой номларининг турк

адабиётида қўлланилиши) амалий лойиҳасида ўз ифодасини топган (Истанбул университетининг 2021 йил 24 сентябрдаги 234-м-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ичида тадқиқот ишини ташкиллаштиришда, хусусан, мазкур манбалар лойиҳа материалларини мукамаллаштирган ва талабаларнинг лексик компетенциясини оширган;

Ўқув топонимик лугатлар яратиш бўйича лугат структурасини тузиб олиш, лугат учун мос топонимлар муҳитини кўра билиш, топонимик лугатга топонимларни танлашда узуал методдан фойдалана олиш, танланаётган топоним жойлашган ҳудудда истикомат қиладиган ёки шу ҳудудга ташриф буюришни мўлжаллаётганлар билан сўровнома ўтказиш каби тавсиялар Қозон (Волга вилояти) федерал университети Филология ва Маданиятлараро мулоқот институтида бажарилган 125-ф сонли “Английская топонимика как лексическая подсистема языка (На материале топонимической лексики Великобритании и США) (Инглиз топонимикаси тилнинг лексик қуйи тизими сифатида (Буюк Британия - АҚШ топонимик лугати асосида))” номли амалий лойиҳасида ўз аксини топган (Қозон (Волга вилояти) федерал университети Филология ва Маданиятлараро мулоқот институтининг 2021 йил 22 сентябрдаги 69/21-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг лексик маҳоратини оширишда бир қанча топонимик лугатларни тақдим қилишга хизмат қилган;

инглиз тили топонимлари, уларнинг этимологияси, инглиз тили топонимларининг лингвокультурологик жиҳатлари, топонимик лугатлар борасидаги хулосаларидан “Ўзбекистон” телерадиоканали ДМ “Маданий-маърифий ва бадний эшиттиришлар” муҳарририятининг “Адабий жараён”, “Жаҳон адабиёти”, “Таълим ва тараққиёт” номли эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2021 йил 19 октябрдаги 04-25/1147-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар илмий ва амалий жиҳатдан бойиган, ижтимоий хусусиятлари ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари 21 та, жумладан, 8 та халқаро ва 13 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 7 та (жумладан, 3 та республика илмий нашрларида, 4 та хорижий илмий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жаҳон тилшунослигида топонимлар назарияси”** деб номланади. Бобнинг **“Замонавий тилшуносликда топонимлар борасидаги ёндашувлар”** деб номланган фаслида замонавий тилшуносликда топонимларга бағишланган тадқиқотларга эътибор қаратилади.

Маълумки, XX асрдан топонимика соҳаси ривожланиб борган бўлса, махсус фан сифатида эса XX асрнинг 50-йилларидан сўнг жадал тараққий эта бошлади. Айнан Буюк Британия жой номларини ривожлантиришда Ален Мор (Allen Mawer) томонидан 1923 йилда асос солинган **“Британия жой номлари жамияти”**нинг хиссаси катта. Ушбу жамиятни ташкиллаштиришдан асосий мақсад бутун мамлакатнинг топонимларини йиғиш ва жамлаш бўлган.

Топонимлар бўйича инглиз тили материалида амалга оширилган ишлар кўлами жуда ҳам кўп. Бундай ишлар сирасига К.Камерон, Д.А.Милс, Ж.Р.Стюарт, Е.М.Поспелов каби олимлар томонидан яратилган лугатлар, Б.Кокс, А.Уилям, Д.Хоровиц, С.В.Перкас, К.М.Ирисханова, Л.Н.Давлеткулова, Я.Авлакулов каби олимларнинг диссертация ишлари, Э.Уилям, В.Н.Топоров, А.В.Суперанская, Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, Х.Ҳасанов, Н.Охунов, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов каби топонимшунос олимларнинг тадқиқот ишлари, В.В.Алпатов, Х.Л.Ханмагомедовларнинг мақолалари топонимикани ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Кеннет Камероннинг **“English Place Names”**¹ номли асарида Англия худудларининг топонимик тавсифи берилган, уларнинг келиб чиқишига оид муҳим лисоний ва нолисоний омиллар асосланган. Шунингдек, муаллиф ясама номларнинг охирида келадиган ўзига хос элементлар – *-ton*, *-ham*, *-wich*, *-worth* га ҳам тўхталган.

Айтиб ўтиш жоизки, *-ton*, *-ham*, *-wich*, *-worth* элементлари ёрдамида ясалган аксарият жой номлари антропотопонимлар, яъни киши номлари орқали ифодаланган. Масалан, *Addingham*, *Addington*, *Ainsworth*, *Fiddington*, *Fincham*, *Folksworth*, *Dallington*, *Dagenham*, *Milwich*, *Cumberworth*, *Burringham*, *Buckingham*, *Brimington*.

Инглиз топонимист олимларидан Бери Кокс ўзининг тадқиқот иши²ни Лейстершир ва Ратланд жой номларига бағишлайди. Муаллиф ушбу ишида

¹Cameron, K., 1996, English Place Names, new edn. – London: 1st pub., 1961.

²Barrie Cox. The place names of Leicestershire. PhD Thesis. – University of Nottingham, 1971.

жой номларини талаффуз килишда қўлланилган фонетик ифодаларга ҳам тўхталлади.

Инглиз тили материалида бажарилган номзодлик диссертациялари ичида С.В.Перкас¹нинг иши муҳим ўрин тутди. Унда муаллиф инглиз топонимларининг лингвостилистик потенциали парадигматик ва синтагматик жиҳатларини илк бор атрофлича тадқиқ қилган.

Ўзбек топонимикасига доир илк лингвистик монографик тадқиқот Т.Нафасов томонидан бажарилган². Олим кейинчалик фақат Қашқадарё вилояти топонимларини ўрганиш билан кифояланиб қолмай, жанубий Ўзбекистон топонимларининг этнолингвистик таҳлилини амалга оширди, Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугатини чоп эттирди³.

Топонимлар тадқиқига бағишланган ишларнинг яна бир гуруҳини санаб ва шарҳлаб ўтиш мумкин⁴, лекин юқоридаги тил материаллари шуни кўрсатадики, инглиз тилидаги топонимларнинг топонимик лугатлар мисолидаги лексикографик талқини ҳозиргача ўрганилмаган.

Бобнинг иккинчи фасли “Ҳозирги замон тилшунослигида топонимлар таснифи” деб аталиб, ҳозирги замон тилшунослигида олимлар томонидан топонимларга берилган баъзи таснифлар баён қилинган.

Таникли инглиз топонимисти Дэвид А Милс⁵ барча инглиз жой номларини келиб чиқишидан катъий назар (хоҳ улар кельт, хоҳ қадимги инглиз ёки Скандинавия жой номларига тааллуқли бўлсин), учта асосий категорияга ажратади:

а) халқ номлари (folk names). Асосан *-ingas* суффикси орқал ҳосил қилинган. Масалан, *Reading, Hasting, Filkins*:

б) келиб чиқиш жойи билан боғлиқ бўлган номлар (habitative names). *-ham, tun, worth, wic, cot, burh* каби қадимги инглиз тили элементлари ва *by, thorp* каби қадимги скандинавия элементларидан ташкил топган бўлади. Масалан, *Birmingham, Middleton, Lutworth, Ipswich, Didcot, Woodthorpe*:

с) топографик номлар (topographical names). Бу турдаги топонимлар одатда *leah, wald, dun, hyll, hrycg, hoh, heafod, ofer* каби элементлар орқали ясалган бўлади. Масалан, *Bartomley, Barrowden, Rainhill, Watnall*.

Инглиз тадқиқотчиларидан Жулиян Купер⁶ ўзининг илмий ишида жой номларининг *алоним* (бир ёки икки номга эга топонимлар), *автоном* ёки

¹Перкас С.В. Парадигматические и синтагматические аспекты лингвостилистического потенциала топонимов в совр.англ.языке: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.04. – Москва, 1980.

²Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1968. – 24 с.

³Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985. – 84 бет.

⁴Нафасов Т. Қашқадарьинда нега шундай аталган? – Тошкент: Фан, 1989. – 100 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.

⁵Лю Х.Ж., Тай Т.Т. Перифраз-топоним: сопоставительный аспект (на материале русского и китайского языков) – Москва, 2001. (электронный ресурс) <https://pandia.ru/text/77/148/2952.php>; Бельская В. Д. Очерки англоязычной топонимики. – Москва: Высш. шк., 1977. – 227 с.; Иброхимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. – Тошкент: Фан, 1967. – 4 б.; Ислаев А. Мангит шеvasининг фонетик хусусиятлари. – Тошкент, 1961. – Б. 14-17; Носиров Ш. Ўзбек тилининг Кўкон шеvasи. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 4-7.

⁶Mills A. D. A Dictionary of British Place Names. – New York: Oxford University Press: 2011. – P. XVII.

⁷Julien Cooper. Toponymy on the Periphery: Placenames of the Eastern Desert, Red Sea, and South Sinai in Egyptian Documents from the Early Dynastic until the end of the New Kingdom: PhD thesis. – Department of Ancient History, Faculty of Arts, Macquarie University, 2015. – P.17.

эндоим (маҳаллий аҳоли томонидан яратилган жой номи), *хороним* (катта худудга тааллуқли бўлган топоним), *эпоним* (бирор киши ёки кишилар гуруҳига атаб қўйилган жой номлари), *экзоним* (хорижий тил жой номи учун берилган хорижий ном), *гидроним* (сув ва сув хавзалари билан боғлиқ бўлган жой номлари), *одоним* (маршрут ёки йўл транспорт ходисалари билан боғлиқ бўлган топонимлар), *ороним* (юкорилилик хусусиятларига эга бўлган жой номлари) *ойконим* (бино ёки манзилгоҳ номлари), *латомоним* (шахта ёки карьерларга тегишли бўлган топонимлар) каби турларга таснифлаштилади.

Бизнинг нуқтаи назаримизда, тилшунослик фанида анча йиллардан бери амал қилиб келинаётган тамойилга кўра, тил ва нутқ ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб, барча тиллардаги жой номларини қуйидаги умуматамалар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) “топонимема” (тил бирлиги) ва 2) “топоним” (нутқ бирлиги бўлиб) топонимеманинг нутқдаги бевосита реализациясидир (Киёсланг: фонема ва фон, лексема ва лекс, фразема ва фраза ва ҳ.к.). Шунга ўхшаб “ойконимемалар” ва “ойконимлар”, “оронимемалар” ва “оронимлар”, “геонимемалар” ва “геонимлар”, “микротопонимемалар” ва “микротопонимлар” каби атамаларнинг эмик ва этик жиҳатдан фарқлари борлигини эътироф этиш жоиздир.

Бундан ташқари, топонимемаларни а) табиий ва б) табиий бўлмаган ёки сунъий топонимемаларга ажратиш мумкин. Табиий йўл билан вужудга келган жой номлари, масалан, гидронимемалар, оронимемалар табиий топонимемалар сирасига киритилса, кишилар томонидан яратилган ойконимемалар, геонимемалар, микротопонимемалар каби топонимема турларини эса табиий бўлмаган ёки сунъий топонимемалар қаторига киритиш ўринлидир.

Бобнинг “Инглиз тили топонимларининг лингвокогнитив ва лингвокультурологик асослари” деб номланган учинчи фаслида топонимларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатларига тўхталаниб, мисоллар орқали очиқ берилади.

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча “cognitive – билишга оид” сўзи билан боғлиқ. Маълумки дунёни, воқеликни билиш, уни идрок этиш оддий ҳодиса эмас. Айрим ҳолларда билишни тўғридан-тўғри фаҳмлаш, тушуниш ҳаракатлари билан боғлаб қўйишади. Аммо ҳайвонларга ҳам, қисман (оддий шаклда бўлса ҳам) фаҳмлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш хос эканлиги маълум. Шу сабабли билиш фаолияти ҳақида гап кетганда фақатгина cogitation (латинча), яъни “ақл, тафаккур” ҳодисасини тасаввур қилиш билан чекланмасдан, балки sagitorium – тафаккур фаолияти шахсини ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча турдаги номентал (ижтимоий, маданий, лисоний) ҳодисаларни ҳам инобатга олиш керак бўлади¹.

Қўшимча тарзда айтиш мумкинки, когнитология фани бутун борлиқни билишни, англашни ўрганади ва ҳар бир лексик бирликда когнитив асос

¹ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик: – Жиззах: Сангтор, 2006. – Б.10.

мавжуд бўлади. Когнитив тилшунослик когнитологиядан келиб чиққан бўлиб, бунда когнитив жиҳатдан концептни, лингвистик жиҳатдан эса тилни ўрганеди. Топонимларда ҳам когнитив маъно, ёки бошқача қилиб айтганда, “топонимик-концептуал семантика” яширинган. Концептуал семантиканинг бир тури сифатида “топонимик концептуал семантика” ҳам тилда турли воситалар орқали воқеалантирилади. Бизнингча, топонимик концептуал семантикани қўллашнинг турли хил коммуникатив-прагматик хусусиятларига кўра инглиз тили топонимемаларини қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1) худуд, макон, майдон маъноларини англатадиган от лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар (уларни “ҳақиқий, соф топонимемалар” деб аташ мумкин): *London, Wales, Montana, Texas*;

2) от лексемасини акс эттирган топонимемалар қуйидагилар орқали ифодаланади:

а) киши номлари (ҳақиқий, мос) орқали: *Benson, Berrick Salome, Berry Pomeroy, Bethnal Green, Beyton, Bicester, Washington, Lincoln*;

б) киши номлари + town/lake/city/port/peak/mountain etc.: *Jamestown, Blanchardstown, Cooperstown, Lake Charles, Draperstown, Abbots-ford, Andoversford, Griffithstown, Groomsport, Youngstown, Cooperstown*;

в) киши номлари + shire/borough/land/field/island: *Lincolnshire, Maryborough, Gainsborough, Hildenborough, Hillsborough, Gransmoor, Goldsborough, Jonesborough, Hewelsfield, Huddersfield*;

г) киши номлари + by/ton/ham/ford/wich/worth/ley: *Ashington, Ashleworth, Ashprington, Bickington, Biddestone, Biddisham, Bideford, Bielby, Bigby, Harmondsworth, Harringworth, Billingham, Bighton*;

3) ҳайвонлар маъносини англатадиган лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Snake, Sharks, Shark Bay, Rat (Islands), Kangaroo (Island), Great Bear Lake*;

4) қушлар номини билдирадиган оддий ёки мураккаб лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Aconbury, Balladian, Clonea, Larkfield*;

5) ҳашаротлар номини билдирадиган оддий ёки мураккаб лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Beal, Beaby, Beaford*;

6) ўсимликлар маъносини англатадиган оддий, ясама ва мураккаб лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Abbotskerswell, Achnashellach Forest, Ackton, Acle, Acol, Acomb, Adare, Aghadarragh*;

7) сифат билан бирга келган ўсимликлар маъносини англатадиган оддий ва мураккаб лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Lower Aisholt, Apsley End, Great Asby, Little Asby, Ash Magna, Great Ashfield*;

8) диний мотивларга асосланган муқаддас жойлар маъносини англатадиган лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Saint Nicolas, St Agnes, St Albans, Saint Andras, St Andrews*;

9) ариқ, зовур, дарё, денгиз, кўл, океан каби “гидронимемалар”нинг отга кўчган номларини англатадиган лексемалар билан ифодаланган топонимемалар: *South Lakeland, Lake, Lake Charles, Edward Lake, Payne*;

10) асбоб-ускуналар маъносини англатадиган ясама ва мураккаб лексемалар орқали ифодаланган топонимемалар: *Barnstaple, Barrowden*.

Тиллардаги исталган топонимемаларнинг семантик структурасида у ёки бу халқнинг ҳаёт фаолияти ва маданияти билан узвий боғлиқ бўлган муҳим бир компонентни, тўғрироғи “сема” ни кузатиш мумкин, шу боис уларни “лингвокультуремалар”¹ деб қараш ўринлидир. Бундан ташқари, шундай топонимемалар борки, улар замирида қабила ва уруғларнинг номи, ўзига хос маданияти ҳам яширинган. Одатда бундай топонимемалар этнонимлар асосида вужудга келади ва уларни “*этнолингвотопонимемалар*” десак ҳам янглишмаган бўламиз. Масалан: *Burgaw, Calaooya, Calispell, Calpella, Goshute, Hoozaw River, Hopi, Kootenai, Lokoya, Modoc, Mohawk, Shawnee*.

Барча топонимемалар тилда сўзлашувчи кишилар тафаккурининг маҳсулидир. Демак, ҳар бир жойга берилган ном остида бирор лингвомаданий воқелик ётади. Шу боис топонимемаларни “*лингвотопокультуремалар*” деб аташга етарлича асос бор.

Диссертациянинг “**Инглиз тили топонимик луғатлар таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида инглиз тили топонимик луғатларининг қисқача маълумоти баён қилинган, уларнинг амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, икки нуфузли топонимик луғатлар: “Британия жой номлари луғати” (“*A Dictionary of British Place-Names*”) (БЖНЛ) ва “Америка жой номлари: минтақавий Америка қўшма штатлари учун қисқа ва танланган луғат” (“*American Place names A concise and selective dictionary for the continental United States of America*”) (АЖНЛ) лари²нинг лексикографик хусусиятлари очиқ берилган ва мисоллар билан асосланган.

Топонимик луғатлар луғатшуносликда муҳим аҳамият касб этади. Топонимларни тўплаш, уларга изоҳ бериш, жой номларининг этимологик, этнолингвистик ҳамда структурал-семантик шаклланиш жиҳатларидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратилиши топонимик луғатларда ўз аксини топган.

Иккинчи бобнинг “Топонимик луғатларнинг амалий аҳамияти” деб номланган биринчи фаслида топонимик луғатларнинг нечоғлиқ муҳим эканлиги уларни бошқа манбалар, жумладан, онлайн луғатлар, геохарита, википедия каби интернет манбалари билан таққосланиши орқали очиқ берилган. Мисол учун, “Америка жой номлари: минтақавий Америка қўшма штатлари учун қисқа ва танланган луғат”ида мавжуд бўлган *Philadelphia* топоними изоҳи тўлиқ берилган, ушбу топоним онлайн луғатда ҳам мавжуд, лекин қисқача изоҳланган. Лекин *Medicine* топоними онлайн луғатда аниқланмади (1-жадвалга қarang):

¹ Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений /В.А.Маслова. – Москва: Издательский центр Академия, 2001. – С. 208.

² Mills A. D. A Dictionary of British Place Names. – New York: Oxford University Press: 2011.

George R. Stewart, American Place-Names: A Concise and Selective Dictionary for the Continental United States of America. – New York: Oxford University Press, 1970.

**I-жадвал. Онлайн ҳамда топонимик луғатдаги топонимларнинг
мавжудлик ҳолати**

1	Топонимик луғатда мавжуд бўлган топоним, саҳифа рақами	Ҳолати	Онлайн луғатда мавжудлиги (+), мавжуд эмаслиги (-)	Ҳолати
2.	<i>Philadelphia</i> (370 б)	Тўлиқ изоҳланган (ТИ)	+	КИ
3.	<i>Mount Rainier</i> (398 б)	ТИ	+	КИ
4.	<i>Mississippi</i> (299 б)	ТИ	+	КИ
5.	<i>Beaver</i> (40 б)	Ҳар бир ҳолати изоҳланган (ХХИ)	+	ТИ
6.	<i>Medicine</i> (288 б)	ХХИ	-	-
7.	<i>Oak</i> (336 б)	ХХИ	+	<i>Oak Creek</i> ҳолати топилмади
8.	<i>Mount Katahdin</i> (234 б)	Қисқа изоҳланган (КИ)	+	КИ
9.	<i>Kakato</i> (243 б)	КИ	+	КИ
10.	<i>Kokodjo Mountain</i> (243 б)	КИ	-	-
11.	<i>Nome</i> (331 б)	ТИ	+	ТИ
12.	<i>Toto</i> (487 б)	КИ	-	-
13.	<i>Christmas</i> (97 б)	ТИ	-	Жой номи сифатда топилмади
14.	<i>Bloody</i> (50 б)	ТИ	-	-
15.	<i>Sniktau</i> (450 б)	КИ	-	-
16.	<i>Goodnight</i> (183 б)	ТИ	-	Жой номи сифатда топилмади
17.	<i>Birome</i> (47 б)	КИ	-	-
18.	<i>Texarkana</i> (280 б)	КИ	+	ТИ

Жадвалдан кўриниб турибдики, кидирилаётган топонимларнинг 50%и онлайн луғатда мавжуд. Демак, ҳар қандай топонимни, уларнинг этимологияси ва ҳатто ясалиш ҳолатларини ҳам онлайн ёки оддий луғатлардан топиш кийин. Бундай турдаги луғатларда учраган топонимлар тўлиқ изоҳ ва тушинтиришлар билан берилмайди. Топонимлар устида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун топонимик луғатлардан фойдаланиш тавсия этилади. Айнан топонимик луғатларда кидирилаётган топонимларнинг тўлиқ, баъзан қисқа изоҳи, этимологияси ва ҳатто пайдо бўлиш усуллари бериб кетилади. Улар анчайин фойдалироқ ва самаралироқдир.

Шунингдек, давр нуқтаи назаридан солиштириш учун инглиз тили топонимик луғатлари ичида кенг тарқалгани ва дастлабки нашрлардан бири ҳисобланган “Инглиз жой номларининг қисқача Оксфорд луғати” (The Concise Oxford dictionary of English Place Names)¹ да илова тарзида “Addenda et corrigenda II” (қўшимча қилинган ва тўғрилانган) номи остида берилган “мини луғат”дан маълум бир топонимлар танлаб олинди. Уларни БЖНД, Кембриж онлайн луғати, геохарита ва википедиядаги мавжудлик ҳолатлари ўрганилди (1-жадвалга қаранг).

¹ Eilert Ekwall. The Concise Oxford dictionary of English Place Names. – Oxford, 1947

I-жадвал. “Мини луғат” да берилган топонимларнинг топонимик ҳамда онлайн луғат, геохарита ва википедияда мавжудлик ҳолати

№	Жой номи	“БЖНЛ”** ·DOBN)да мавжудлиги ва саҳифаси	КОЛ** (СОД)да мавжудлиги	Геохаритада мавжудлиги	Википедияда мавжудлиги
1.	Allstock	-	-	+	+
2.	Bodenham	64-бет	-	+	+
3.	Corscombe	131-бет	-	+	+
4.	Doward	-	-	+	The Doward
5.	Eastbury	168-бет	-	+	2 та графикада мавжуд
6.	Faulkland	185-бет	-	+	АҚШ дагисн топилади
7.	Gracechurch	-	-	+	+
8.	Horringford	247-бет	-	+	+
9.	Langford	286-бет	-	+	4 та давлатда мавжуд
10.	Mooring	-	-	+	+
11.	Ninfield	347-бет	-	+	+
12.	Orwell	356-бет	-	+	+
13.	Purton	377-бет	-	+	+
14.	Radway	381-бет	-	+	+
15.	Saddington	400-бет	-	+	+
16.	Tharston	454-бет	-	+	+
17.	Ufton	473-бет	-	+	+
18.	Ventnor	477-бет	-	+	+
19.	Winston	502-бет	-	+	АҚШдагисн аниқланди
20.	Yoxford	517-бет	-	+	+

Демак, танлаб олинган топонимларнинг нафақат топонимик луғатда, балки геохарита ва википедияларда қайд этилганлиги топонимлар тарихий, қадимий ёки эски бўлишидан қатъий назар улар ҳозирда ҳам мавжуд эканлиги исботланди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бу эса баъзи топонимларнинг асрлар оша ўз аҳамияти ва кадрини йўқотмаганидан далолатдир. Бирок ушбу топонимик бирликлар геохарита ва википедияда мавжуд бўлса-да, улар ҳақида, асосан, жойлашган ўрни, аҳолиси ва шу каби маълумотлар олишгина мумкин. Лекин “топоним”, “топонимема” ёки “топонимик бирликлар”нинг тўлиқ изоҳланиши фақатгина топонимик луғатларда мавжуд ва бунга таҳлиллар натижаси ўлароқ гувоҳ бўлди.

Айтиб ўтиш жоизки, топонимик луғатлар нафақат тилшунослик, балки география, тарих, луғатшунослик фанлари, шунингдек, туризм соҳасида иш олиб борувчилар учун ҳам аҳамиятлидир.

Бобнинг иккинчи фасли “Инглиз тили топонимик луғатларининг структуравий таҳлили” деб номланади. Унда танлаб олинган икки нуфузли луғатларнинг структур таҳлили ёритилган. Ҳар иккала луғат мега, макро ва микроструктураларга бўлиб ўрганилди.

Девид Милс томонидан яратилган “Британия жой номлари луғати” (A dictionary of British Place names) 17000 луғат бирлигидан иборат бўлиб, луғат мақсади ва объекти инглиз тили топонимлари ҳисобланади ҳамда Британия ороллари ҳудудларига тегишли бўлган жой номларини камраб олади.

Луғат мегаструктураси иккита муқаддима (Preface, Preface to the Revised Edition), мундарижа (Contents), кириш (Introduction), графликлар ва ягона ҳукумат органларидан ташкил топган жой номлари рўйхати (List of Counties and Unitary Authorities), Британия жой номлари луғати (Dictionary of British Place Names), яъни A-Z алфавит тартибини қамраб олган луғат қисми, Британия жой номларида учрайдиган баъзи умумий элементлар глоссарийси (Glossary of some Common Elements in British Place Names), кўшимча мутолаа учун танланган адабиётлар рўйхати (Select Bibliography for Further Reading), веб-хаволалар иловаси (Dictionary Of British Place Names: Appendix of Web Links), Оксфорд тезкор хаволаси (Oxford quick Reference) дан иборат.

Мегаструктуранинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, Англия, Шотландия ҳамда Уэлс давлатларининг тарихий графликлари харитаси умумий тарзда (1-расмга қаранг) ҳамда ҳар бир давлатнинг графликлари ва ҳукумат органлари жой номлари хариталари алоҳида бериб ўтилган (2-, 3-, 4- расмларга қаранг).



1-расм



2-расм



3-расм



4-расм

Луғат макроструктураси. Луғатнинг барча мақолалари (ёки сўзликлар) инглиз тили алфавити тартибда, яъни A-Z тарзида берилган. Бу эса изланаётган жой номларининг осон топиш имкониятини беради. Шунингдек, луғатда микропонимиялардан то макротопонимияларгача учратиш мумкин.

Луғат микроструктураси таҳлил этилганда аксарият луғатлардаги каби икки: ўнг ва чап қисм (сарлавҳа сўз ва изоҳ)дан иборатлиги кўрилади. Шунингдек, луғатнинг ҳар бир саҳифаси ўз ўрнида икки устунни ташкил қилади.

- **Cheltenham**¹ *Glos. Celtanhomme* 803, *Chinteneham* [sic] 1086 (DB). Probably 'enclosure or river-meadow by hill slope called *Celte'. OE pre – English hill-name + *hamm*. Alternatively the first element may be an OE pers. name **Celta*. The river-name **Chelt** is a back-formation from the place name.

Бош сўзни аниқроқ изоҳлаш учун ушбу мақолани қисмларга бўлиб кўриб чиқамиз:

1) бош сўздан кейин келган *Glos. - Gloucestershire* графлигининг қисқартмаси ҳисобланади, берилган бош сўз, яъни топоним шу ҳудудда жойлашган; 2) *Celtanhomme* 803 – бош сўзнинг 803 йилдаги кўриниши, *Chinteneham* [sic] 1086 – жой номининг 1086 йилдаги бошқа номи. 3) (DB) – Домздей китоби (*Domesday book*), яъни иккинчи ва учинчи кўринишларининг кўрсатилган йилда ифодаланганлиги шу китобда ёзиб қолдирилган (Бу манба ҳисоблар китоби ҳисобланиб, ўрта асрларда Европада ўтказилган биринчи умумий ер рўйхати тўплами саналади); 4) 'enclosure or river-meadow by hill slope called *Celte' – кўштирноқ белгиси ичида келтирилган ушбу гаплар берилган жой номининг маъносини ифодалайди, яъни "Селте деб номланган чўкки қиялиги билан ўралган сувли яйлов ёки ер майдони"; 5) English hill-name + *hamm* – инглизча чўкки номига – *hamm* элементини қўшиш орқали ясалмокда. Бу ўз ўрнида луғат мақолаининг грамматик хусусиятини ифодалайди; 6) Alternatively the first element may be an OE pers. name **Celta*. жумласидаги – OE – Old English, яъни қадимги инглиз тили ҳисобланиб, 450-1100-йилларни ўз ичига олади, pers. name **Celta* – *Celta* номли киши номидан келиб чиққанини муқобил равишда айтиб ўтиляпти, тахмин қилинган; 7) The river-name **Chelt** is a back-formation from the place name – бу ерда яна бир жой номи, аниқроғи, **Chelt** топонимик бирлиги ҳақида қисқа маълумот берилган, яъни ушбу гидроним мазкур топонимдан келиб чиққан.

"Америка жой номлари: минтақавий Америка қўшма штатлари учун қисқа ва танланган луғат" (*American Place names A concise and selective dictionary for the continental United States of America*) деб номланган иккинчи манба америка топонимист олими Жорж Р.Стюарт томонидан яратилган. 12000 луғат сўзлигидан иборат ушбу луғатнинг **мегаструктурасига** эътибор бериладиган бўлса, ушбу қисмга тегишли бўлган барча маълумотлар луғатнинг илк саҳифаларида берилган. Биз кўриб чиқаётган бошқа луғатлардан унинг фарқли томони ҳам шунда. Мегаструктура муқаддима (preface), миннатдорчилик хати (acknowledgements), кириш (introduction), библиография (bibliography), яъни фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда А-З алфавит тартибидан иборат бўлган луғат қисмидан ташкил топган.

Луғатнинг **макроструктураси** алфавит тартибида берилган жой номлари, яъни топонимлардан иборат. Ҳар бир мақола битта бош сўз билан ифодаланган. Ҳар бир бош сўз қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатилган.

¹ Mills A. D. *A Dictionary of British Place Names.* – New York: Oxford University Press: 2011. – P. 109

Баъзан битта бош сўз турли хил жойларда учрагани боис уларга ҳам шу мақола ичида тўхталиб ўтилган. Масалан:

- **Chama**¹ NM Spanish adaptation of an Indian (Tewa) word of uncertain meaning, perhaps 'red'. **Chama** CO: named (ca. 1886) by settlers from **Chamita** NM, the latter name being adiminutive of original **Chama**.

